

# ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 19 февраль пайшанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 36-37 (1817-1818)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

### ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Импорт операцияларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, бу операцияларни амалга ошириш чоғида шартнома ва молия интизомини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида 1998 йил 1 мартдан бошлаб товарлар (ишлар ва хизматлар) ни импорт қилишнинг тартиблар билан бошқариш ва импорт битимлари тузиш ҳамда уларнинг ижросини назорат қилиш тартибини енгилаштиришга доир чора-тадбирлар тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ваколатли банклари ва божхона органларида юридик ва жисмоний шахсларнинг импорт битимларини ҳисобга олиш ва улар ижросини назорат қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Ўз валюта захиралари билан таъминланмаган хужалар юритиш субъектларининг импорт битимларига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхат олиниши белгилаб қўйилсин.

4. Импорт буйича республика божхона чегарасига келирилган ва тўлаш учун валюта маблағи билан таъминланмаган товарлар божхонада расмийлаштирилмаслиги белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур товарлар вақтинча сақлаш тартибига жойлаштириллади, бу мuddат ўтган, тегишли хужжатлар тақдим этилмаса, импортчи маблағи ҳисобидан товарни етказиб берувчига қайтариб юборилди.

6. Белгилаб қўйилсинки,

фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ваколатли банкларига халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш чоғида импорт битимлари ҳақини тўлаш буйича кафолат мажбурияти беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, маҳаллий ҳокимият органларига импорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўлаш буйича хорижий ҳамкорларга кафолатлар бериш ёки ўзга мажбуриятларни олиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат Божхона қўмитаси, ваколатли банклар импорт битимлари ҳақини тўлаш буйича ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибига қатъий риоя қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ички истеъмол бозорини ҳимоя қилишни таъминлаш манфаатларини кўзда тутиб, бир ҳафта мuddатда:

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонида 3-илова 1998 йил 1 мартдан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонини бажариш юзасидан бир ҳафта мuddатда қарор қабул қилсин.

## ШУКУҲ

Бирор корхона ёки тадбиркор ўз фаолиятида бурилиш ясаса бошқалар қараб турмайди, иложи бўлса ўшага интилади, уларнинг муваффақияти сирини таҳлил қилишга уринади. Фарғонада Риштон ил йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамияти фаолиятига ана шундай кўз билан қарагучилар кўп. Фабрика жамоасини асосан ёшлар ташкил қилади. Бундан ташқари раҳбарият иқтисодий-иш юксалтиришининг асосини ёшларнинг маънавий ва маърифий камолотида деб тушунади. Шу боис чеварлар даргоҳида республикамиздаги таниқли кишилар, санъаткорлар ва ижод аҳли тез-тез бўлиб, мароқли суҳбатлар, дилортар учрашувлар ўтказиб турадилар.

Бундай тадбирлардан сўнг жамоа аҳли худди Зулфия Раҳимова (суратда) сингари кўтаринки руҳ, дилбар шуқуҳ билан ишлаши, табиий.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримовнинг "Ислохотлар ва барқарорлик" китоби Анкарада турк тилида чоп этилди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйда мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатётган дипломатия корпуси вакиллари, фан ва маданият ишлари арбоблари, иқтисодиёт ва сиёсат намояндолари, журналистлар қатнашди.

Президентимизнинг "XX аср лидерлари" туркумида чоп этилган мазкур китобига Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл ҳамда Буюк Миллат Мажлиси Раиси Ҳикмат Четин сўзбоши ёзган.

"Инсоният тарихининг ҳар бир даврида буюк миллатларнинг тақдирига таъсир қилувчи йўлбошчи чиққан. XXI аср арафасида, буюк ўзбек халқи яшаётган тарихий ўзгоришлар даврида бу халқнинг йўлбошчиси Ислам Каримов жанобларидир, - деб ёзади, жумладан, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл. - Қадрли давлат арбобининг турк тилига таржима қилинган "Ислохотлар ва барқарорлик" китобида Ўзбекистондаги

ҳақиқий ҳаёт ва сиёсат очик ва равшан йўсинда кўрсатиб берилган.

Китобнинг тақдимот маросимини Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрданчиси Туркиядан Мухаммад Дўст, Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳ ва Мухтор элчиси Умур Апайдин сўзга чиқди. Улар Президент Ислам Каримов асарининг турк тилида чоп этилиши 60 миллионли турк халқининг ота юрти ҳисобланмиш Ўзбекистон заминидан юз бераётган буюк ўзгоришлар, ўзбек халқининг бугунги ҳаёти билан янада яқинроқ танишиши

учун имкон яратганини, икки қардош халқнинг абадий дўстлиги ҳамда мадоний-маърифий алоқалари ривожига хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Китоб нафақат, сиёсатчилар, балки олимлар, мутахассислар, талабалар учун ҳам муҳим қўлланма бўлиши қайд этилди.

Китобнинг тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Ў.Раҳматов ва Т.Рисқиев, Президент де-юре ахборот маркази раҳбари С.Ҳакимов иштирок этди.

(ЎзА)

## Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 18 февраль.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Йул-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. 1998 йил март ойида "Ҳаракатланмиш хавфсизлиги ойланти" ўтказилсин.

Куйидагилар:

Йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Йулларда ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш самардорлигини ошириш;

транспорт ва пиёдалар ҳаракати серкатнов йўллар ва жойларни аниқлаб, уларни қўриқдан ўтказиш, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар тайёрлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;

транспорт воситаларининг техник тайёрлигини яхшилаш; ойланиш ўтказишга кенг жамоатчилик жалб қилиш мазкур ойланиш ўтказишининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

"Ҳаракатланмиш хавфсизлиги ойланти"ни ташкил этиш ва ўтказиш комиссияларини тусинлар;

ойлиқни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва унда ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлашга дахлдор барча идораларнинг вазифаларини белгилансинлар;

ҳар ун кунда ойланиш боришини муҳокама этишни ва унда раҳбар ҳодимларнинг ҳисоботини эшитишни йўлга қўйсинлар.

3. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар ва ижодий уюшмалар:

ҳайъатлар, кенгашлар, бошқарув йиғилишларида транспорт воситаларининг техник ҳолати ҳаракатланмиш хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини ва ҳодимларнинг йўл интизомига амал қилишининг аҳволини кўриб чиқсинлар ҳамда жамоатнинг ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш ишидаги иштирокига баҳо берсинлар;

ойлиқни самарали ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар;

ойлиқни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳаракатланмиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларга қўшимча маблағ ажратсинлар.

4. "Узтелефон" компаниясини, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигини, марказий ва маҳаллий газета-журналлар таъририятларини:

ҳаракатланмиш хавфсизлиги ойланигининг боришини кенг ва атрофлиқа ёритсинлар;

Ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль назорати органлари билан биргаликда жойларда ойланиш ўтказилишини ўрганиш буйича режалар ташкил этсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, концернлар ва корпорациялар ойланиш давомида амалга оширилган ишлар ва унинг натижалари ҳақида 1998 йил 15 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

6. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Ҳ.СУЛТОНОВ

Тошкент шаҳри,  
1998 йил 6 февраль

## ҚОНУН ПОЙИҲАЛАРИ УРГАНИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ўзбекистон Президентини кузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Олий Мажлис қўмиталарининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят ҳокимларининг ҳамда алоқадор вазирлик ва идоралар, уюшма ва компаниялар раҳбарлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада жалаллаштириш масалаларига бағишланган ўқув машғулотларининг биринчи босқичи бошланди.

Машғулотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков кириш сўзи билан очди.

Машғулотларда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов қишлоқ хўжалигида ислохотларни жалаллаштириш масаласига доимо катта эътибор бериб келётганини, бу долзарб масала йўлбошчимизнинг Олий Мажлисининг ўзининг сессиясидаги матбузасида ҳам, кунни кеча Вазирлар Маҳкамасидаги учрашувларда сўзлаб келди ҳам ўз ифодасини топанганига алоҳида таъкидланди. Зеро, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғидир. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг илдам тарққий этиши кўп жиҳатдан ана шу тармоқнинг қай даражада ривожланишига боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни тўла амалга ошириш туфайли халқ турмуш фаровонли-

гини кўтариш мумкин. Кейинги йилларда мазкур тармоқда салмоқли натижаларга эришилган бўлса-да, олға қараб сийланишга тўсиқ бўлаётган камчиликлар ҳали ҳам оқ эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент Фармонининг ҳамда алоқадор вазирлик Қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар жойларга ўз вақтида етиб бормаётганлиги ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Қадрларни тайёрлаш ва танлаш ишларини ҳам кўнгилдалик, деб бўлмайди.

Машғулотлар тингловчилари бир ҳафта давомида қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини атрофлиқа ўрганадилар, улар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиридилар.

Дастлабки машғулот Олий Мажлис ўзининг сессиясида биринчи ўқишда маъқулланиб, амалга ўтказилган ҳақида эитилган Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси лойиҳасини ўрганишга бағишланди. Унда Президент девони қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар буйича экспертлар турмуш раҳбари И.Назаров ва бошқалар сўзга чиқди.

Машғулотларда республика Бош вазирининг ўринбосарлари А.Азизхўжаев, Б.Ҳамидов қатнашди.

(ЎзА)

## Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрами ва "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, вазирликлар, қўмиталар, компаниялар, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмиталар раиси Исмомил Жўрабеков бошқарди.

Мамлакатимизда Наврўз байрамига тайёргарлик алақачон бошлаб юборилган. Ҳамма жойда кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Қўчалар, хабоблар бунёд этишга, уларни ободонлаштиришга эътибор кучайтирилди. Атроф муҳит мусаффолигига, озодагарчиликка катта аҳамият берилмоқда. Юртимиз бўйлаб байрамодди ҳашарларини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган.

Наврўз байрами бу йил ўзгача шуқузда нишонланади. Пойтахтдаги бош сазнадан ташқари, шаҳарнинг етти майдон ва боғида, барча туманида, шунингдек, вилоятларнинг барча шаҳар ва қишлоқларида байрам тадбирлари ўтказилди. Бунга таниқли санъаткорлар билан бир-

## ҚИЗГИН ТАРАДДУД КЎРИЛАЁТИР

га онавий ва фольклор-этнография ансамбллари ҳам кенг жалб этилади. Аммо ҳамма вилоятларда ҳам бу муҳим тадбирга маъсулият билан ёндашиб, етарлича эътибор берилаётган, деб бўлмайди.

Пойтахтда Наврўз тараддуди, байрам маданият тадбирларига тайёргарликнинг аҳвол тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шухрат Жаалилов, тадбир бош режиссери Рустам Ҳамидов, сценарий муаллифи Абдулла Орипов, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт биравласи Бош директори Анор Назаровнинг ахборотлари тингланди. Мажлисида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда умумхалқ байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ахборотлар ҳам эшитилди.

"Алпомиш" достонини яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлашга тайёргарлик масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Тўхтамурод Жўраев, Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти директори Тўра Мирзаев, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ра-

иси Шукур Темуров, "Наврўз" хайрия жамғармаси раҳбари Дадахоҳ Ёқубов ва бошқалар Наврўз байрамини ҳар галгидан кўра намунароқ ўтказиш учун бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида таклифлар билдиридилар.

Ийнчилида байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш буйича белгиланган чора-тадбирларни вақтида, сифатли амалга ошириш, асосий тантаналар ўтказиш Ўзбекистон Миллий боғидаги бош сазнани, халқ хўнарамандлари савдо кўргазмаси ташкил этиладиган майдонни жиҳозлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этиш юзасидан тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, концерн раҳбарларига аниқ вазифалар топширилди.

Мажлисида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Ўткир Раҳматов, Владимир Норов, Бош вазир ўринбосарлари Алишер Азизхўжаев, Миқрооб Усмонов, Рустам Юнусов, Комилжон Раҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағанов қатнашди.

(ЎзА)

## ПРЕЗИДЕНТ КИЕВГА ЖЎНАБ КЕТДИ

18 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан расмий таширф билан Киевга жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари журналистларга интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— Ушбу таширфдан кўзланган асосий мақсад Украина билан ўзаро дўстлигимизни ва ҳамкорлигимизни янада юқори поғонага кўтарувчи узоқ мuddатли ҳужжатлар имзолашдир. Шунингдек, таширф дастуридан темир йўллар қуриш, нефт-газ саноатини ривожлантириш борасида бу дўст мамлакатнинг имкониятларидан фойдаланишни кўзда тутувчи шартномалар тузиш, жумладан, Навоий ва Олмаликдаги айрим йирик корхоналар ишлаб чиқаришини такомиллаштириш ҳамда уларнинг Украинадаги корхоналар билан бевосита ҳамкорлигини ўрнаттиш масалалари ҳам жой олган.

Украина ҳақида гапирганда яна шунини таъкидлаган бўлардимки, собиқ иттифоқ ҳудудидagi давлатлар орасида бизга муносабат нуқтаи назаридан ҳам у алоҳида ўринда туради. Бу давлат Ўзбекистонга ҳамisha хурмат-эҳтиром билан қараб келган, биз билан ҳамisha ўзаро тенглик асосида муносабат қурган.

Ҳозир айрим давлатларда собиқ иттифоқни қўмсаётган сиёсатчилар ҳам йўқ эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақилликни эъзозлаш ва уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлида биз Украина билан ҳамкор ва ҳамнафасмиз. Халқаро миқёсдаги масалалар буйича ҳам орамизда тушунмовчилик йўқ. Биз бир-биримизга қўмак бериб, бир-биримиздан мадад олиб яшаймиз.

Тошкент аэропортида Президент Ислам Каримовни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ҳ.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари В.Норов, Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

## ИСЛОМ КАРИМОВГА УКРАИНАНИНГ ОЛИЙ НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

КИЕВ. 18 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов бугун расмий таширф билан Киевга келди. Ўзбекистон Республикаси ва Украина Республикаси давлат байроқлари билан безатилган "Борисполь" аэропортида давлатимиз раҳбарини Украина Республикаси Бош вазири В.Пустовойтенко ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга хурмат-эҳтиром рамзи — нон ва туз тутдилар.

Украина пойтахтининг муҳташам Маринск саройида Президент Ислам Каримовга Украина Республикаси Президентини Леонид Кучма пешвоз чиқди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Украина давлат мадҳиялари янгради.

Икки мамлакат Президентлари — И.Каримов ва Л.Кучманнинг иккама-икка суҳбати бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида мамлакатларининг ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Яқинда Ислам Каримов Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашгаги улкан шахсий хизматлари учун Украинанинг Биринчи даражали Ярослав Мудрий ордени билан тақдирланган эди. Шу кунини Президент Леонид Кучма Украинанинг мазкур олий нишонини мамлакатимиз раҳбарига тантанали равишда топширди.


Украина Президентини Леонид Кучма Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, икки томонлама давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Ватанимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган эди. Президент Ислам Каримов мазкур нишонни Украина Президентига тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Украинага расмий таширфи давом этмоқда.

Аҳмад ХҲЖА

(ЎзА)





Ўз хаёлларим билан банд ўтирар эдим... Нариги хонадан набираларимнинг нимадир таллашиб, йиғлаган товуши эшитилди. «Қозилик-ка югурдим. Кичик набирам Мунаввархон бир ёстиқ устига мук тушиб ётиб олиб, бермайман, дея дод солар, каттаси эса бир томондан тортилар эди.

Каттасини қойиб бошладим: «Мадинахон, асалим, сизга бошқа ёстиқ йўқми, нахот синглингиз билан шуни талашсангиз». У эса ёшли кўзлари билан менга қараб: «Бунақаси йўқ, бу отажонимнинг ёстиқлари, мана ўзиз қаранг, ҳидлари келяпти», дедию, хўнтраб йиғлаб юборди. Юрагим орзиқиб кетди. Мадинамни бағримга босдимю овута бошладим. «Яна уч марта ухласангиз, отажонингиз келадилар, асалим, отажониси узок сафардалигида боласи йиғласа ёмон булади, келинг, биргаллашиб, эсон-омон келишларини Худодан сўраймиз», дея оллоҳумга илтижо қила бошладик. Аслида ҳозир набирамга эмас, ўзимга таскин бераётганимни ичимдан ҳис этаётганим. Бу орада йиғидан тинган Мунавварам ҳам бизга қўшилди.

Набираларимнинг мурғак қалбидеги меҳр мени ҳаяжонга солди ва ўйладим: бу улуг туйғу уругини отажониси ўзларининг бекиёс оталик меҳрларидан олиб, ундирмадиларми, ахир. «Меҳр берсанг, меҳр кўрсан», деганлари шу бўлса

керак. Ёстиқни набираларимнинг ўрталарига қўйиб бердим. Иккиси икки тарафдан «ачом» қилиб ухлаб қолишди. Мени эса яна хаёл узокқа — янги келинчаллик давримга етаклади... «Хожам» дорулфунунни битказиб, йўланма билан вилоятга ишга кетган эдилар, мен эса ёшлигим-нодонлигимми ёки қайсарлигим туфайлими, ўқшимни сиртки бўлимга ўтказишни истамай, шу ерда қолиб, ўқиб юрдим. У киши тез-тез мени кўргани ке-

дай гапиришлари менга қизиқ туюларди. Гапларининг охирида, «Файзуллабой отажонимиз бирор ерга сафарга кетсалар, мен уларнинг тўнларини кийиб ётар эдим... Оҳ, болама, фиروق ёмон, соғинч ёмон... Фирокнинг ранги тун каби қорадур, қалбингизни зимистон қилади, соғинчининг таъми аччиқ, тахирдир, қалб тилингизни какра қилади, дея тин олиб, илоҳим фиروقингиз, соғинчингиз ўткинчи бўлсин», деганлари менга эриш туюлиб, лабимни буриб хонамга кириб кетган эдим.

Мана, ҳозир, отажонисининг ислари келиб турган ёстиқни икки тарафдан қучиб ухлаб ётган набираларимга термулиб, ёдимга бувимнинг гаплари тушаётир.

Оҳ, раҳматли бувижоним, набирангиз қанчалар нодон экан-а. Сизнинг қалб кечинмаларингизни ҳис қилиш учун ҳаёт аталмиш уммонларда бирлашиб оқиш, қўқиб кетмаслик учун бир-бировига чирмашиб, бир-бировини тортиқлаб, мохирлик билан сузиш лозимлигини йиллар аталмиш ўнқир-чўнқир сўқмоқлардан биргаллашиб, бир-бировини судрашиб, жарликка қўламаслик учун бир-бировини суяшиб ўтиш кераклигини турмуш «уртўқмоқ»ларидан зарбалар еб, жароҳат ерларига меҳр-муҳаббатдан малҳам қўйиб, садоқат ришталари билан авайлаб боғлаш жоиз эканлигини қайдан билибман, ўшанда.

Йиллар оққуш каби учиб ўтавердилар, сочларимизга қанотларини теккизиб кетавердилар... Яратган ҳақ кўмагида синовларни баҳоли қудрат енгавердик, бир-бировимизга бағир босиб боравердик. Охир мана шу кунга етиб келдик, алҳамдулиллоҳ.

Бугун эса, озгинагина фиروقқа чидай олмай, набираларим билан биргаллашиб, йиғлаб ўтирибман. Яна бувимнинг сўзлари ёдимга тушади: «Фирокнингиз, соғинчингиз ўткинчи бўлсин, илоҳим».

### Муқаддас МИРИНОЯТ ҚИЗИ.

## СОҒИНЧ (Шаҳзода бувим ўғитлари)

либ турардилар. Келганларида ҳам, кетишларида ҳам юз ёшга кирай деб қолган Шаҳзода бувимнинг дуоларини олардилар. Бувижоним у кишини суюб, «Мўмин Мирзо» деб атар, орқаларидан олдиларидан доимо дуо қилардилар. Навбатдаги шундай келиб-кетанларидан кейин бувим менинг юзимга термулиб, «Тусизни ел олмасин, болам, индамай кузатиб қолаверасиз-а», дедилар. Мен қулиб, «Ҳа, йиғлайинми», дедим. «Йўқ, йиғланг демайман, болам, ғазал ўқиб кутиб олинг, ғазал ўқиб кузатинг, севгингизни билдиришдан ор қилманг, узокда у доим сизнинг меҳрингизни ҳис қилиб турсин, доим сизга интилсин. Авваламбор, болам, иложини қилсангиз ёнида бўлинг. Эр қаерда бўлса, хотин ўша ерда бўлиши керак. Турмушнинг аччиқ-чўчугини бирга тотинг, оғир-енглини бирга тортишинг, шунда қадри бўласиз», дедилар.

Яна Файзуллабой отажонимиз ҳақларида сўйлай кетдилар. Тинглаб ўтирсангиз агар, отамиз ҳақларида соатлаб гапирар эдилар. Шунда хира тортиб қолган кўзларидан меҳр-муҳаббат нурлари кўринар, юзлари яшнаб кетарди. Гуё отажонимиз вафот қилмаганлару бир неча сонияга қаергадир чиканлардай гапирар эдилар, бувижонимиз. Вафот қилганларига салкам эллик йил бўлаёзган «чоллари» ҳақида бун-

барлардан бири Сероб Хўжақуловнинг кўнглидаги гапни айтибди: «Э отангга раҳмат, чўлда ҳам шундай дарахтлар кўкартирса бўларкан-ку!» Орадан бир ой ўтар-ўртмас, кун қизигач, дарахтлар қуриб қолди. Қарийб 70-80 туп бу йирик дарахтлар энди ўтин қилишдан бошқага ярамас эди.

Нишонга йўлим тушганида икки-уч раҳбардан ушбу воқеа-

Сероб Хўжақулов тажрибали одам. Кўп йиллардан буён раҳбарлик лавозимларида ишлаб келади. Ҳозир Нишон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари. Мартабалари бундан ҳам ба-

## «СЮРПРИЗ» АРЧАЛАР АЖАБ ХАНГОМАЛАР

Бу ҳақда дастлаб эшитганимда, бирон хангоматалаб одам тўққан латифа бўлса керак, деб ўйлагандим. Эмиш-ки, ўтган йилнинг февраль-март ойларида Нишон туманига вилоят раҳбарлари борадиган бўлиб қолибди. Туман ҳокимлигидан дарров топшириқ берилибди: «Катта йўлнинг икки чети тозалансин, дарахтлар экилсин». Бу ундовдан руҳланган 3-«Самарқанд» жамоа-ширкат хўжалигининг раиси Сероб Хўжақулов шижоат билан ишга киришиб кетибди. Хўжалик «меҳмонхонаси»нинг ёнидаги

15-17 йиллик яшнаб турган кўм-кўк манзарали арчаларни шундоқ йўл четига қатор қилиб қўчириб ўтқазсам-чи?.. Калласига келган, фикрдан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетибди. Мана бун «сюрприз» деса бўлади!

Бу «ажойиб гою» уни шу қадар сеҳрлаб қўйибдики, бирон тажрибали боғбон билан маслаҳатлашишни ҳам ўзига эп билмай, эртасиданоқ ишга тушибди. Томири сувга етган нина баргли манзарали дарахтларни бирин-кетин кўтарма кран билан сугуртириб, катта йўл четига «Беларус» тракторида хандак қаздириб, қўчириб ўтқаздирибди. Албатта, қўчириб ўтқазиб рота машаққат бўлибди. Ахир дарахтнинг ҳар бирини алоҳида тележкага ортиб ташишга тўғри келибди-да.

Ҳарқалай натижа қутилгандек бўлибди. Ҳали баҳор келмаган, дарахтлар яшил ранга кирмаган бир пайтда, чўл бағрида кўм-кўк бўлиб турган кўркам дарахтлар ҳаммага кўм устида яшнаб турган қизғалдоқдай таъсир қилибди. Раҳ-

нинг тасдиғини эшитгач, хўжаликка бордим. Кимдан сўраманг, бу воқеани эслаб, мийиғида қулади.

Менинг эса юрагим ачишди. Чўл шароитида бир ниҳолни 15-17 йил парвариш қилишнинг ўзи бўладими? Эсиз, дарахтлар!.. Наҳотки, инсон ўзининг ўткинчи шон-шўхрати учун табиатга шунчалик тажовуз қилса. Нима, бу дарахтлар ҳеч жойда ҳисобда турмайди? Эгаси йўқми? Буну ҳеч ким сўрамаган тақдирда ҳам дарахтларнинг уволи-чи? Она табиат олдидаги маънавий жавобгарлик-чи?

Ушбу воқеани эшитганимдан буён ўйлаб, онг-шууримга сиғди-ролмайман. Айтишларича, Хўжақуловдан ўрнак олиб, туман ташкилотларидан бирининг раҳбари ҳам идорасининг олдига ўша дарахтлардан йиғирматасини олиб келиб ўтқазибди. Хуллас, Сероб аканинг «тажрибаси» туман миқёсида оммаллашиб кетишига сал қолган экан.

### ИЛОВАНИ:

Эсирган БОЛИЕВ, Аброр ОРИПОВ, Аслиддин САТТОРОВ, Рустам АЗИМОВлар тайёрлашди.

## «АЛПОМИШ» ДОСТОНИ – 1000 ЁШДА

# МАРДЛАР ОЛИШМАЙДИ, СИЛТАБ ОТАДИ

Ўн минг уйли Кўнғиротнинг қизлари билан, Барчин канизлари билан томоша қилиб, буларнинг олишганини кўриб, Ҳакимбекка қараб, бир сўз деб турган экан:



Очилар баҳорда  
боғларнинг гули,  
Гулни кўрса маст бўп  
сайрар булбули,  
Нар-мода бўлибсиз бий  
бобом ули,  
Йиқолмасанг, бизга  
беринг навбатди,  
Жуда келди Барчин  
ёринг ғайрати,  
Ушлагандан кўкка отмай  
не бўпти?  
Йиқолмасанг, тўрам  
навбат тилайин,  
Эркак либосини ўзим  
кияйин,

Бор кучимни билагим  
жияйин,  
Бу қалмоқни пора-пора  
қилайин.  
Қалмоқ билан, хоним,  
бўлдинг баробар,  
Сизни жуда мазах  
қилар канизлар,  
Бу қалмоқни кўкка  
отсанг не бўлар?  
Иш кўрсатсанг, менинг  
кўнглим топилар.  
Бу сўзларни Барчин  
сулув айтади,  
Барчинойга навбат  
бергин, нетади,  
Мендай оғир ушлаб  
кўкка отади;  
Қизлар сизни нар-мода  
деб айтади,  
Қизларнинг айтгани  
менга ботади.  
Мардлар олишмайди,  
силтаб отади,  
Майдон бўлса иш  
кўрсатиб кетади,  
Бўш одамнинг иши  
кейин кетади.  
Барчинойнинг бундай  
кўнглин бўлмагин,  
Кўп олишиб ўзинг  
ҳалак қилмагин,  
Қиз бола деб мени  
номард билмагин,  
Бу сўзимни, хоним,  
оғир олмагин,  
Навбат бергин, сира  
гина қилмагин.  
Майдон кунда сенга  
ҳамдам бўлайин,  
Мен ҳам энди бир  
олишиб кўрайин,  
Ушласам қалмоқни  
нобуд қилайин,  
Оғир олма, тўрам,  
навбат сўрайин.  
\*\*\*

Бу сўзларни айтди гул  
юзли дилбар,  
Икки полвон бўлиб  
турар баробар.  
Кўп сўзларни Барчин  
сулув айтади,  
Сўзи Алпомишга  
ботиб кетади,  
Жафо тиғи бу кун  
жондин ўтади,  
Айрилиқ ханжари  
бағрин йиртади,  
Ўздайин тутаниб  
шунқор кетади,  
Ғайрати ғайратга  
бекинг етади.  
Ёр сўзиман шердил  
бўлиб кетади,  
Чирпиб Кўкалдошни  
кўкка отади.



КўКЛАМ ЭЛЧИЛАРИ

ланд бўлсин. У кишининг қулогига айтадиган гапимиз шу: билмаганини сўрамоқнинг ҳеч айби йўқдир. Бечора дарахтларнинг умрига зомин бўлмасдан, кўпни кўрган, кўп биладиган тажрибали деҳқонлардан бир оғиз маслаҳат сўраганингизда, олам гулистон эди. «Тажриба»нгнизи жамоатчиликка ошқор қилганимиз учун биздан ранжиманг. Қаерда бўлсангиз ҳам оддий бир ҳақиқатни асло ёддан чиқарманг: бир-икки кишини чалғитиш мумкин, аммо халқни, табиатни алдаб бўлмайди. Обрў бундай йўл билан қозонилмайди.

Абдужалил ТАЙПАТОВ.

### ОЧИЛ ДАСТУРХОН ПИЁЗЛИ КЎК САЛАТ

100 г кўк салат, исмалоқ ёки отқулоқ, 100 г кўк пиёз, сметана, соус, 1 та помидор ёки 2-3 та редиска.

Кўк салат барглари қўл билан бўлинади ёки пичоқда кесилади, пиёз майда қилиб тўғралади. Тайёрланган масалиққа соус солиб, аралаштирилади. Усти помидор ёки редиска билан безатилади.

# О И Л Л Я

19 февраль

№ 3

ПАЙШАНБА

1998 йил

«Халқ сўзи» газетасининг иловаси

ОСОЛОНА

Биз XX аср-ни учқур аср деб атадик. Ёвқур аср деб атадик. Ниятларимиз шиддатли эди. Илму амалларимизда ҳам шитоб бизга ёр эди. Чунки биз «жаннатий коммунизм»га қараб кетаётган эдик. Чунки биз «чиркин капитализму феодализм»дан узоқлашиб кетишимиз зарур эди. «Нима бизга Америка» деган шиоримиз бўларди.

Биз тонналар ортидан қувиб кетавердик, ваҳоланки она-заминимиз беланги бўлаёзди. Биз минглаб гектар чўлу биёбонга шитоб билан оби-ҳаёт етаклаб келдик, ваҳоланки нариёгда сувсизликдан Оролнинг қовурғалари кўриниб қолди. Биз фазога кетма-кет ракеталар учирдик, ваҳоланки еганимиз оби-ёвғон

## ТУЯ УСТИДА ҚАТИҚ УЙИМАС

эди...

Буларни санашга бармоқ камлик қилади. Лекин биз санайвердик. Бизга сифат эмас, сон керак эди, бизга моҳият эмас, мақтов керак эди. Ҳамма нарса қўл учиди амалга оширилди эди, чунки ортимизда бизга қудратли туюлган, аммо таг-замини чириб қолган давлат турар эди. Ундан бизга Буюк Боқимандалик туйғуси мерос бўлиб қолди.


Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда амалга оширилган барча ислохотларнинг бутун моҳияти, биринчи навбатда одамлардаги ана шу кайфиятни йўқотишга қаратилган, десак адашмаймиз. Шўро даврининг шўрлаган иллатини ювиш, афсуски, осон кечмаяпти. Мамлакатимиз раҳбари яқинда қишлоқ хўжалигида ислохотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланган учрашувда ҳам бу соҳа мазмун-моҳиятидаги янгиланишлар секин кечаётганлигининг сабабини собиқ тузумдан қолган эскилик сарқити, эскича фикрлаш, боқимандалик ва хўжақўрсинга ишлашдандир, деб баҳолади.

Ўйлаймизки, боқимандалик кайфиятига қарши кураш, энг аввало, биз муқаддас деб атаётган оиладан бошланади. Оилада болага эътибор, умуман эрхотиннинг бир-бирига бўлган эътибори, тарбиявий омилларгина унинг томирини қирқади. Аммо бу жараён шўро давридагидек шитоб билан эмас, аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Ахир, туя устида қатиқ уйимас, дейдилар. Пала-партиш, хўжақўрсинга қилинган иш ҳеч қачон натижа бермаган.

Катта дарёлар сокин оқади.

ЖУШҚИН.

ОСОЛОНА



Дунёга умид бор нигоҳларингда,  
Сен ҳаёт мазмуни, умрининг кўрки.  
Сўлмас чечак бўлгин сўлмас боғимда,  
Истиқлол сеники, Ватан сеники.

Бахтли оиланинг жажжи эркаси,  
Алломиш авлоди, баҳор фаслисан.  
Сен халқим ишончи, юртнинг эртаси  
Она сайёранинг соғлом наслисан.

СУРАТКАШ: Абдул Ғани ЖУМА.

## БИЗНИНГ МУСОҲАБА

болаларни умуминсоний қадриятлар ва аъёналар асосида тарбиялашдан иборат.

Никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан бири никоҳланувчиларнинг ўзаро розилигидир. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шартининг эркин ва тенглик принципи асосида вужудга келишини таъминлаш билан бирга оила барқарор ва мустаҳкам бўлишини кафолатлайди.

Ота-она ва фарзанд муносабатлари Шарқда алоҳида ўрин тутди. Бу оиланинг энг бебаҳо сифати. Ота-онанинг фарзандлар тақдирини учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳеч бир халқда бу қадар теран ва адолатли тартиб касб этмаган.

Асосий қонунимиз – Конституцияда ҳам азалий одатлар – ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатлари



– Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамиятда тугган ўрни алоҳида белгилаб қўйилган, — дейди у. — Конституциянинг катта бир қисми – ўн тўртинчи боби «Оила» деб номланган ва унга бағишланган. Оила ҳамда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари моддама-модда қайд этилган. Ушбу Қонуннинг 63-мод-

# ЖАМИЯТ, КОНСТИТУЦИЯ ВА ОИЛА

дасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади» деб кўрсатилган.

Ҳақиқатан ҳам оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг бош бўғинини ташкил этади. Оиласиз жамиятни тасаввур этиб бўлмайди.

Оила айна вақтда жамиятнинг ўзига хос ижтимоий муассасасидир. Оиланинг бу хусусияти, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади. Президентимиз И. А. Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарига бозор ислохотлари аҳолининг оилавий хусусиятларини ҳисобга олган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш билан бирга ўтказилиши керак, деб ҳисоблайди.

Жамият томонидан оила муҳофаза қилинади, дейилганда бир республикада мавжуд бўлган жамиятлар ва жамғармалар томонидан оилага ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беришларини тушунамиз. Бу қоида мустақил республиканинг Конституциясида белгиланган янги қоидадир. Бундай жамиятлар туркумига: «Болалар», «Маҳалла», «Наврўз», «Экосан», «Орол», Шароф Рашидов номидаги жамғарма, «Қизил ярим ой жамияти» ва бошқалар кирди. Оилага ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ёрдам бериш, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги республикамиз Президентининг фармонларида ҳам ўз аксини топмоқда. Президентнинг биринчи Фармони 1990 йил 3 майда қабул қилинган. У «Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» деб номланган бўлиб, унга кўра кўп болали оналарнинг моддий аҳолини, ёш авлоднинг камол топиш шароитларини яхшилаш мақсадида оналарга тўланадиган ойлик нафақа кўпайтирилди. Шунингдек, никоҳга ва оилага алоқадор бир қатор ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июлдаги Фармонида кўра, бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда ёш болали оналарга давлат йўли билан ёрдам берилишини кучайтириш, ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишга ижтимоий кафолатларини таъминлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда 1994 йил 1 сентябрдан бошлаб оналарни давлат ижтимоий ёрданининг амалдаги тизими ўрнига нафақа турларидан иборат ягона тизим жорий этилди ва айна пайтда нафақа тўлаш муддати икки йилга узайтирилди.

– Умуман, оила иши бу жамоат ва давлат иши ҳамдир. Никоҳ эса оила вужудга келишининг бирдан бир асосидир. Шу хусусдаги фикрларингизни билмоқчи эдик.

– Никоҳ эркак ва аёл ўртасида ихтиёрий розилик ва тенгликка асосланган тузилган эркин иттифоқ бўлиб, унинг мақсади оила қуриш,



**Оила – жамият пойдевори. Мустаҳкам пойдевор эса жамиятнинг барқарорлиги, осойишталиги, давлатнинг келажаги демакдир. Оила – бу эркак билан аёлнинг ўзаро розилиги асосида қонуний равишда никоҳдан ўтиб, турмуш ҳаётини бирга қуришлари ила ташкил бўлади ва жамиятимиз келажаги бўлган қобил фарзандларни тарбиялайди, уларнинг ўсиб-ўлғайишига асосий замин бўлиб хизмат қиладиган маконга айланади. Инсонларнинг саодатли, бахтли бўлиши ҳам оилага, оиладаги тарбияга боғлиқ.**

**Барча Шарқ халқлари қатори ўзбек халқи ҳам оилага алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келган ва ҳозирда ҳам шундай – уни эъзозлайди ва оиласи учун бутун ҳаётини бахшида этади. Шу туфайли биз жамият, Конституция ва оила ўртасидаги ҳуқуқий мутаносиблик, уларнинг бир-бирига бўлган юридик муштараклиги хусусида сўзлаб беришни юридик фанлари номзоди Қобилжон Шаропович Ҳамроевдан илтимос қилдик.**

ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Халқимизда болалар ота-оналарнинг кўз ўнгида ҳамма вақт тарбияга муҳтож бўлиб кўринадилар. Шунинг учун улар болалари тўла муомала лаёқатига етганларидан сўнг ҳам маънавий тарбияни давом эттириверадилар.

Никоҳ ва оила кодексининг 74-моддасига кўра, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ота-оналар зиммасида бўлади. Ота-оналар вояга етмаган болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланади ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасаларда, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» ордени таъсис

этилди (1993 йил 5 март). Бу орденининг таъсис этилиши юртимизда соғлом авлод мужассамлашувининг яна бир эркин далили эмасми?

– Бу Ўзбекистон Республикасининг олий мукофотларидан бири. Жаҳон таърибасида бундай орден бўлмаган. Жамиятимизда етим-есирларни бошлана, озик-овқат, уст-бош билан таъминлаб, уларнинг тарбиясини йўлга қўйиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ишларни давлат ўз зиммасига олади.

– Оила йили арафасида «Оила кодекси»нинг лойиҳаси тайёрланди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясининг кун тартибига биринчи ўқишда киритилди. Ушбу Кодекс лойиҳаси, унинг аҳамияти ҳақида нималар дея оламиз.

– Кодекс лойиҳасида миллий урф-одатларимиз ўз ифодасини топан. Масалан, ушбу кодекс лойиҳасининг 6-моддасида оилавий муносабатларда маҳаллий урф-одатлар ва аъёналарнинг қўлланиши кўрсатилган. Яъни, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, оилавий муносабатларни тартибга солишда маҳаллий урф-одатлар ва аъёналар қўлланилади. Фақат улар Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаларига ва нормаларига зид бўлмаслиги керак. Маҳаллий урф-одат ва аъёналар дейилганда ўзбек халқида ёш келин-куёвга эскича тарзда никоҳ ўқилиши, рус халқида эса ёш келин-куёв черковда никоҳдан ўтиши, турк халқида тўй маросимидан кейин ҳурмат белгиси сифатида келин-куёвнинг оила аъзолари билан муайян вақтда гаплашмаслиги ва бошқа ҳолатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Оила кодекси лойиҳасининг 24-моддасига асосан эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирган мулкларини уларнинг биргаликда умумий мулки ҳисобланади. Эр-хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвардиш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва ўзга даромадларга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига нисбатан баб-баравар ҳуқуқга эга бўлади.

Эр-хотин биргаликдаги умумий мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилишда тенг ҳуқуқга эга. Улардан бири ўзининг номига расмийлаштирилган биргаликдаги кўчмас мулкни тасарруф этиш бўйича битимлар тузиш учун иккинчисининг нотариал тасдиқланган розилигини олиши лозим. Агар олинмаган бўлса, бу битим ҳақиқий эмас, деб топилади. Кодекс лойиҳасининг 26-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки, шунингдек, уларнинг бири никоҳ давомида ҳады мерос тариқасида ёки ўзгача битимлар асосида олган мулк унинг шахсий мулки ҳисобланади.

Хуллас, мазкур кодекс лойиҳасининг жуда кўп ҳуқуқий жиҳатлари борки, бу шак-шўҳасиз, оилани мустаҳкамлаш ва камол топтириш учун хизмат қиладди.

**Э. БОЛИЕВ**  
суҳбатлашди.


**Юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини бойитиш, ўз йўлини йўқотиб, ҳақ-ҳуқуқини билмаётганларга кўмак бериш мақсадида «Қонунни билган, ҳуқуқини билади» рўкнини очдик. Унинг мунтазамлиги газетхонлардан келадиган турфа саволларга боғлиқлигини таъкидлаш зарур. Уша сабабдан бизга ёзинг. Зора, кўмагимиз тегса...**

## ҚОНУННИ БИЛГАН, ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ



**Транспорт солиғи тўлашда қандай шахсларга имтиёзлар берилган?**

**Раҳмонали Сўнаев,**  
Паркент тумани.




Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машина ва механизмлар эгаларидан олинмаган солиқ тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, уруш қатнашчилари, ватанни ҳимоя қилиш бўйича бошқа жанговар операциялар, ҳарбий қисмларда, штатларда ва ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи, муассасаларда хизматни ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, байналмилалчи жангчилар ва ногиронлар транспорт солиғидан озод бўладилар.



**Мен ҳамшира бўлиб 13 йил шаҳар шифохонасида ишладим. Уша даврга икки баробар қўшилиб, менга нафақа тайинланиши мумкинми?**

**Рисолат Расулова,**  
Жиззах шаҳри Турсунов кўчаси-15.




**Йўқ. Агар тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб қилинадиган стаж, шу жумладан, махсус стаж бўлмаса, стаж имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланмайди.**



**Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган фуқароларга нафақа тўлаш тартиби қандай бўлади?**

**Н. Неъматова, Жомбой тумани,**  
«Улуғбек» жамоа ҳўжалиги.




Чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетишдан олдинроқ тайинланган нафақалар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига чиқиб кетиш тўғрисида ариза берилган кундаги ҳолатга кўра, нафақа миқдори ҳисобидан чет элга чиқиб кетиш олдида 6 ой аввал тўланади. Бу фуқароларнинг чет элга бўлган вақти учун агар давлатлараро битимларда ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган нафақаларгина тўланади.



**25 йил ўқитувчилик стажига эга бўлган ҳолда, 5 нафар фарзанднинг опасиман. Менга 45 ёшдан имтиёзли нафақа тайинланиши мумкинми?**

**Роҳила Алимова,**  
Челак тумани, Ўзбекистон жамоа ҳўжалиги.




**Йўқ. Сиз фақат 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгасиз. Чунки пенсияга умумий белгиланган ёшдан олдин чиқиш ҳуқуқини берадиган имтиёزلарни кетма-кет қўллаш мумкин эмас. Фуқаро пенсия турларидан бирини танлаганидек, имтиёزلардан бирини танлаш керак.**



**Транспорт воситалари ижарага олинганда давлат рўйхатидан ўтказиладими?**

**Ҳаким Сирождидинов,**  
Жиззах вилояти, Дўстлик тумани.




Транспорт воситаларини ижарага олиш шартномаси фақат ёзма шаклда тузилади. Аммо, у рўйхатдан ўтказилмайди ва ижара шартномасига рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги Фуқаролик кодексида белгиланган қоида тадбиқ этилмайди. Томонлар ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома етарли ҳисобланади.



**Пахана (бўйи паст) одам неча йиллик иш стажига эга бўлганда пенсия олиши мумкин?**

**Баҳодир Сайфиддинов,**  
Жиззах вилояти, Зарбдор тумани,  
«Бўстон» посёлкаси.



Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига кўра, ёши 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган паханалар, эркаклар иш стажини 20 йил бўлганда, аёллар эса стажини 15 йил бўлганда пенсия олишга ҳақли бўлади.



**Саволларга 3-даражали ҳуқуқшунос**  
**С. ХОЛДОРОВ** жавоб берди.

# ЛУТФ ҚИЛ КЎЗ ҚИРИ БИРЛА...

Ўзбекистон халқ хофизи Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ билан суҳбат



Баъзи инсонларнинг фариштаси бўлади, деб гапирди кексалар. Фаттоҳхон отани кўрганимдаёқ хаёлимдан шу ўй келди. Фаришталари одам эканлар. Қошлари, сочлари оппоқ, марғилон дўппи, оҳорли чопон кийган бу таниқли хофиз умри давомида кимлар билан суҳбат қурмаган, дейсиз. Дастлаб, мустақиллигимиз ҳақида, бугунги турмушимиз хусусида гаплашдик. Сўнгра мақсадга кўчидим: — Газетамизда «Оила» иловаси чоп этилаётганидан хабарингиз бор. Ўқувчиларга

сиз билан суҳбат қилишни ваъда қилган эдик?

— Бажонидил. Жуда савобли ишга қўл урибсизлар. Президентимиз 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилганларида, каминга ҳам ўша ерда эдим. Бунинг бежиз эмаслигини англадим. Аввало, бутун Ўзбекистонимиз бир оила. Миллати, динидан қатъий назар, тинч-тотув яшаш мақсадимиз. Оила фаровонлиги юртимиз фаровонлигидир. Қайсики инсон ўз касби-кори орқали тирикчилик қилиб, ҳалол ризқ ила фарзандларини боқса, ўша оила кам бўлмайди.

Намангандаги воқсаларни эшитиб, баъзи бир кишилардан ранжиб турибман. Ўзбекистонимизнинг тинчлигини асрашимиз керак. Бу дегани ўзлимизни, оиламизни асраш дегани. Андижонда ўт ёқсам, Ўшда чиқар туни, деб беҳуда айтмаганлар, болам.

— Тоғ кўчиши битта тош билан бошланади, дейишди...

— Балли сизга. Болалигимизда кўп қийинчиликларни кўрдик. Отамиз саводхон эди. Эски имлони яхши билардилар. Сибирга сургун қилинди. Унинг бору йўқ айби саводхонлигида эди. Тоғамни Украинага жўнатишди. Акаларимни бир умрга мулланинг боласи деб камситдилар, масъул ишга қўймадилар. Шўро тузumi ўзлигини англаган, миллатим деб

жон куйдирган асл инсонларнинг ёстигини қуритган, уларни бир четга суриб қўйган. У кунлар бамисоли қишининг қаҳратони эди. Отамизнинг дийдорига зор этди. Ота-боболаримизнинг меросидан маҳрум қилди. Китобларни мазорга олиб бориб кўмдик. Улгуролмаганимизни йиғлаб-йиғлаб дарёга оқиздик. Ана шунинг учун ҳар битта одамга, ҳар бир ёшга мустақиллигимизнинг қадрига этиш кераклигини англадим келди.

— Оила ҳам кичик мамлакат. Ана шу мамлакатнинг фаровонлиги оила бошлиғига боғлиқ.

— Бу ҳар икки томонга баб-баравар тегишли. Аёл киши эр-какнинг тоғанини рўёбга чиқаради. Яхши хотин эрнинг ёқасини, ёмони сочини оқартиради. Мен ёшларимизнинг илми, онли, фаросатли бўлишини истайман. Чунки ақли бўлмаса, оиланинг жилловини бериб кўяди. Жилво қўлдан кетдими, демек мувозанат йўқолади. Мувозанат йўқоладими, оиладан барака кўтарилади. Йигитлар жасоратли, қизларимиз ибодатчи бўлишлари керак. Собир Абдуллоҳнинг бир чиройли ғазали бор:

Лутф қил кўз қири бирлан ошкоро бўлмасун,

Сезмасин ҳеч ким, рақиблар ҳам мабодо билмасун.

Ўзгаларнинг олдида менга парво қилма кўп,

Менга парволардан аларнинг кўнгли яғмо бўлмасун.

Оддий, касб-кори бор одамлардан талаб қилинаётгани оиланинг тўқлиги учун меҳнат қилиш. Вилоятларга борганда бир кузнинг. Ота-бувасининг дўкондастҳоқини асраб қўйганлар ҳали топилади. Ҳунари бор, меҳнат қилаётган одамлар кам бўлаётгани йўқ.

— Бугунги ёшлар, шогирдларингиз ҳақида фикрингиз?

— Яхши фикрдаман. Мустақил бўлганимизга етти йил бўляпти. Лекин компьютерни ипидан-игнасиғача ўзлаштириб олган ёшларни кўрсам хурсанд бўламан. Ота-буваларимиз истез-долли бўлган-да. Шогирдларим кўп. Ҳозир Зухра Алимова, Камолдин Мирсолиев деган шогирдларим бор. Худо насиб қилса шулардан умидим катта.

— Фарзандларингиздан сизнинг йўлингизни таллагани борми?

— Биттиси бор. Иномжоним. Франция, Болгария, Туркияда мен билан бирга бўлди. «Ўзтеле-радио» қошидаги Тиллаш Хўжамбердиев раҳбарлик қилаётган дастада ишлаётди. Омадини берсин, ўзига яраша овози бор. Катта ўғилларим ҳам оилали. Гулсарахон иккаламиз набиралар билан. Шу пайт набиралари рангли сурат кўтариб кириб қолди.

— Ота, ота. Қинг-қинг.

— Буниси танбурни «қинг-

қинг» дейди. Отам танбур чалаяпти, демоқчи, — дея изоҳлади суҳбатдошим.

Югуриб Гулсара ая кирдилар.

— Вой, узр.

— Ҳечқиси йўқ, — дедилар Фаттоҳхон ота — Буниси доим мен билан. Шу болалар ҳам яхши одамни билади-а, Гулсара?

Ая ҳам бўш келмадилар. — Ҳар кунни хушомадга шоқолад олиб келсак, бизниям яхши кўради.

Бу нуруний инсонга, бахтли хонадонга ҳавасим келди. Кекса санъаткор хануз консерваторияда талабаларга сабоқ берадилар. Бўлаётган воқсаларни зийраклик билан кузатиб, уларга муносабат билдиради. Ўтган йили «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирлангани, Президентимиз билан суҳбатлашганларини завқланиб ҳикоя қилдилар. Барчамизга ҳам Фаттоҳхон Мамадалиев сингари пиру бадавлатлик, огоҳлик, фойзлик ва ширинсуханлик насиб этсин.

Абдурахмон ЖўРА суҳбатлашди.

Раҳматли Ўлмас Умарбеков «Дониёр Усмоновнинг икки баҳори» асарига тўлиқ раҳбарларнинг бадиий асарлар муталаасига эътиборни қаратган эди.

Адабиётга ошно одам яхшиликка, эзгуликка хайрихоҳ бўлади. Кўнглида гуманизм гоёлари яшаган раҳбар халқнинг дардини англайди.

Хўш, бугунги кунда Бандихон туманида китобга, кутубхонага муносабат қандай? Ана шу саволга жавоб топиш учун кутубхоналарни айланганимизда...

Ойбек номли хўжаликда жойлашган кутубхонага кирган кишининг таъби хира бўлади. Маданият масканининг биноси поли яқин йилларда бўялмаган, бир қарич тупроқ. Китоблар қаровсиз ҳолда, сарғайиб, чангга ботиб қолгандан худди мунғайиб тургандек, нажот истаётгандек таассурот қолдиради.

— Икки юз нафар китобхон бор, — деди мудира Зулфия Остонаева таваккал қилиб.

— Йўғ-э сал ошириб юбордингиз, — дейди Тангир Бўтаев уялиқираб.

— Юз киши ўқийди, тахминан.

Маълум бўлишича, туманга бериладиган ҳисоботларда китобхонлар сонини атайлаб ошириб кўрсатар экан. Аслида эса атиги ўн нафар киши китоб олганлиги ойдинлашди. Китобхонларнинг махсус варағида кутубхоначининг акалари, огаинисининг фамилияси қайд этилган, холос.

— Бирор марта китобхонлар конференцияси ўтказдингизми?

— Йўқ.

— Адабий кеча-чи?

— Бу иш қўлимдан келмади.

— Балки Ф. Гулом номли

жамоа хўжалигидаги кутубхоначимиз бизни уялтирмас, кетдик ўша ёққа, — деди туман маданият ишлари бўлими мудир.

Вақт пешиндан ошган бўлсада, маънавийт маскани қулф экан. Мудира Ҳанифа Эшназарова яқин кунлар ичида ишга чиқмаган шекилли, ярим соат мобайнида уйдан калит ахтарди.

— Кимлар китоб олиб ўқишадилар?

— Мана китобхонлар бор, ишонмасаларингиз кундаликни кўринглар.

Қизиқ. Шу соҳада ҳам қалбакилик бор экан. Бугун 9 февраль бўла туриб то 15 февралгача бўлган беш кун учун ҳам кундалик тўлдирилган — кутубхоначи ҳали ишламаган кунлар учун ҳам олдиндан китобхонлар нечта китоб олганлигини қайд этиб қўйибди!

Кўзбўямачилик ҳам эви билан да.

— Туман маданият ишлари бўлимида китобхонлар бўйича услубчи кимлигини биласизми?

— Йўқ.

Афсус. Муҳаббат Худойкулова услубчи бўла туриб ҳеч бир кутубхоначига кўмак бермас экан.

Балки аҳвол яхшироқдир, дея туман маданият ишлари бўлимининг «Пахтакор» жамоа хўжалигида жойлашган кутубхонага бордик. Аммо кутубхона эшиги қулф эди. Мудира Зухра Омоновани уйдан чақириб келишди.

— Бугун бирор киши китоб олдимиз?

— Йўқ.

— Нега китоблар оз?

— Аввалги кутубхоначимиздан 500 та китоб камомат чиққан. Ол-

ган кишилар қайтариб беришмаётир.

Қизиги шундаки, тумандаги кутубхоначилар ақалли иш режаси тузишмаган, бажарилган ишлар дафтари тугилмаган. Иккинчидан, тумандаги саккизта кутубхонадан еттитазида янги газета-журналларнинг таҳламлирини топа олмадик. Энг ташвишлиси, Бандихон туманидаги кутубхоналарда раҳбарларнинг ўзлари ҳам



## ҚУЛФЛАНГАН БОЙЛИК

ки-тоб олиб ўқишга қизиқмаслиги аён бўлди.

Нечаминг-минглаб сўм турадиган маънавий бойликлар эски хоналарга қулфлаб қўйилган? Кутубхоначилар ишда эмас, балки уйларида ўтиришни хуш кўради.

Аввало, тумандаги деярли барча маънавийт масканилари хароб аҳволда эканлиги кўпчиликни ташвишлантираётти.

Нега бу биноларни таъмирлаш, иситиш, ходимларнинг ишлаши учун шароит яратиш катталарнинг эсига келмаётти? Балки вилоят маданият ишлари раҳбарлари бу соҳага ўтай кўз билан қарашаётгандир? Кутубхоначиларнинг кўпчилиги атиги ўнинчи синфни битиришган.

Минглаб мухлисларига интиқ, нон каби азиз асарларни зах ва қоронғу хоналарга қамаб ташлагандан кўра, халққа инъом этиш лозим эмасмикан?

Жовли ХУШБОҚОВ, Сурхондарё вилояти.

## ШИФОХОНАДАН ЧИҚИБ... КЎПКАРИГА

Нормурод ака, гарчи ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса-да, ҳали анча тетик ва бардам эди. Ғайрат-шижоати қирчиллама йигитликдан кам бўлмаган бу одам кўп қатори яшаб юрган эди. Аммо кутубхонада ҳаммаси тескарига айланиб кетди. Дард ҳам оғриқ каби бир келса, ботмонлаб келаркан. Нормурод аканинг меҳнатда чиниққан, чайир, бакуват оёқлари ўз-ўзидан дўмбирадай шишиб кетиб, бир қадам ҳам босолмай қолди. Кўрагининг чап томонида муштдай нарса санчиб-санчиб оғриб қўяверди. Ўзи келган дард, ўзи ўтиб кетар, деган эди, бўлмади. У кишини Чироқчи тумани марказий шифохонанинг кардиология бўлимига оғир аҳволда олиб келишди. Нормурод Суҳновни туман марказий шифохонаси кардиология бўлими бошлиғи Эгамберди Қаҳқоров даволашга киришди.

Бўлим бошлиғи ва шогирди, даволовчи кардиолог-врач Шўхрат Жумаевнинг эътирофича, кардиолог врач бирор беморнинг юрагини даволар экан, масъулият залвори энг аввало, ўзининг юрагига тушади... Хуллас, қарийб икки ҳафталик муолажалар, врачларнинг заҳматли меҳнатлари натижасида Нормурод ака бутунлай соғайиб кетди. «Тўхтис фарзандларининг бахтига ҳаётимни омон сақлаб қолган дўхтирлардан жудаям миннатдорман, — дейди у киши кувонч билан. — Уларни ҳаммиша алқаб, дуо қилиб юраман».

Очиги, Эгамберди ака раҳбарлик қилаётган ушбу бўлимда даволаш ишлари анча намунали йўлга қўйилган. Бунинг кардиология бўлимидаги беморлар учун яратилган шарт-шароитлар ва эришилаётган натижалар ҳам айтиб турибди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йилнинг ўн бир ойи давомида 30 ўринли бўлимда жами 1258 нафар бемор ётиб, даволанган. Бемор ўринларнинг айланиши ўртача 28 кишига тўғри келса, ҳар бир бемор 12 кун шифохонада ётган. Айтиш мумкинки, ушбу кўрсаткич республика миқёсида ҳам анча яхши натижа саналади. Юракка боғлиқ хасталиклар билан оғриган беморларнинг бундай қисқа фурсатларда ўз соғлиқларини тиклаб кетишларининг сабаби ҳам самарали шифо усуллари билан боғлиқ, албатта.

Дарвоқе, ўша кунни уйига жавоб берилган Нормурод ака фарзандлари қуршовида шахдам қадамлар билан ташқарилади. У кишини кўрганлар бу одам яқиндагина оғир хасталикни бошдан кечирганига ишонмасди. Унинг содда қатъиятини кўриб, Эгамберди ака кулиб юборди.

— Ия, полвон ака, шаштингиз баланд-ку? Бу ердан чиқиб, кўпкарда улоқ чопмоқчимисиз дейман, — деди ҳазил оҳангда.

— Чопаман ҳам, — деди у киши жилмайиб. — Юрак курғур яна ғайратта тўлиб, ёшиқдаги чавандозликни кўмсаётти. Энди от чопсам, зўрман деганиям совринни мендан олиб бўпти!

Шифокорлар беморларни уйларига шу тариха ҳазил-хузул билан жўнатишга одатланиб қолишган.

Ғафур ШЕРМУҲАММАД «Халқ сўзи» мухбири.

САБОҚ

Сухбатдошимиз - И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти катта илмий ходими, юридик фанлари доктори Лазиз ОХУНЖОНОВ республикамиздаги бугунги ижтимоий-сиёсий жараён, ҳуқуқ ва қонунчилик, миллий давлатчиликни қорор топтириш омиллари ҳамда муаммолари ҳусусида сўз юртади.

— Аввало, бир нарсани ойдинлаштириб олайлик. — дейди домла. — Ҳўш, қонуннинг ўзи нима, у ижтимоий ҳаётимизда қандай ўрин тутади? Бир қарашда гўё ҳамма нарсани равшан ва саволга ҳожат йўқдек. Масаланинг муҳиятига терепақ назар ташлайдиган бўлсак, очиги, ҳали кўпчилигимиз бу ҳақда етарли тасаввурга эга эмасмиз. Қонун — жамият кўзгуси. Ҳуқуқий демократик давлатда барча ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ана шу асосда қурилади лозим. Зеро, қабул қилинган ҳар бир қонун замирида аввало инсон манфаати, эрк-

мутахассислар. Бундан уларни қайта тайёрлаш масаласи келиб чиқади.

Тахсиллар кўрсатадики, республикамизда ҳар юз минг аҳоли ҳисобига судьялар Германияга нисбатан 6 марта, адвокатлар АҚШга қиёслаганда бир неча марта кам экан. Ана шу мисолнинг ўзбек ҳуқуқий таълимни яхшилаш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини

ётади.

— Шундай даямиз, лекин давлат, жамият ҳамда фуқаро муносабатларига оид ҳуқуқий тушунчаларни аҳоли кенг қатламларига етказиш билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунки собиқ шўро тизими ҳуқуқийлик даярида бу муҳим жараён даярли эътибордан четда қолди...

— Фикрингизга қўшиламан. Дарҳақиқат, «қизил» мафкура миллий манфаатлар ҳақида ҳарчанд лоф урса ҳам амалда уларни тан олмас, тўғрироғи, менсимас эди. Яъни адолат никоқи босида «қичик» миллат ва элатларга нисбатан адолатсизлик қилиб келинди. Зотан, шўро сиёсатининг негизи ал-

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР

такомиллаштириш борасида ҳали кўп меҳнат қилишимизга тўғри келишини кўрсатиб турибди.

— Ҳозир давлат, жамият ҳамда фуқаро манфаатлари уйғунлигига эришилгандагина ота-боболаримиз орзу қилган жамиятни барпо этиш мумкинлиги таъкидланапти. Сиз, ҳуқуқшунос олим сифатида мазкур уч субъект ўртасидаги ўзаро мутаносибликни қандай изохлайсиз?

— Аслини олганда, инсон, давлат ва жамият тушунчаларини бир-биридан айри қараб бўлмайди. Улар ижтимоий ҳодиса сифатида ўзаро яхлит ва муштарак. Қолаверса, давлатни ҳам, жамиятни ҳам инсон бино қилади. Қонунлар эса унинг юксак даҳоси ва ақл-тафаккури маҳсулидир. Бинобарин, шахс эрк-ҳуқуқларини кафолатли ҳимоялаш жамият таракқиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлашга ҳожат бўлмас керак. Жаҳонга юз бурган республикамизда ҳуқуқий тарбия масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги бежиз эмас, албатта. «Мустақиллик» сўзининг замирида ҳам улғу ҳуқуққа эга бўлиш, ўз ҳаётини эркин қуриш, ўз тақдирини ўзи белгилашдек бебаҳо имконият

дов ҳамда мунофиқлик тамойилларига асосланган эди. Уша мустабил замонни эслаганимиз сайин, истиқлолнинг кадр-қимматини терепақ ҳис этияпмиз. Бу табиий, албатта. Ҳар бир миллатнинг бахти ва толеи эркинлик бағридагина намоён бўлади.

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шахс эрки ва манфаатларини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар мавжуд сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштириш, янги ҳуқуқий тузилмаларни вужудга келтириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Ана шундай эғзу саъй-ҳаракатнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда Олий Махлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институт, инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий Маркази ва бошқа ҳуқуқий муассасалар ташкил этилди.

— Ҳуқуқий маданият — кенг қамровли тушунча. Бу, шубҳасиз, мутахассис кадрлар мала-


касини такомиллаштириш, ҳуқуқий таълим тизимини ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Умуман, мамлакатимизда адолат тамойилларини тўла қарор топтириш, ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш учун энг аввало нимага эътибор бермоқ лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Хабарингиз бор, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тафаккурни шакллантиришга қаратилган давлат дастури қабул қилинди. Жаҳон таъриби ҳамда миллий анъаналардан келиб чиқиб яратилган мазкур ҳужжат мустақил ўзбек давлатчилигини қарор топтиришда асосий қўлланма бўлиб хизмат қилажаги шубҳасиз. Эндликда ҳуқуқ-тартибот соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширмай туриб, қўзланган олижаноб мақсадларга эришиб бўлмайди. Бу эса соҳа ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислардан катта масъулият талаб этиши ўз-ўзидан аён.

Фикрингизча, малакали кадрлар тайёрлаш учун ишни халқимизнинг бой маънавий меросига оид манбаларни ўрганишдан бошламоқ жоиздир. Чунки уларда шарият, тарихат, фикр илмига доир бебаҳо маълумотлар мавжуд. Ўтмиш маънавийтини билмай туриб, замон талабига мос кадр бўлиб етишиш мумкинми, ахир? Қолаверса, олий ўқув юрталари, ўрта умумтаълим мактаблари дастурларига жиддий ўзгаришлар киритиш фурсати етди. Тўғри, бу соҳада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо ҳали кам. Ҳуқуқий мавзулаги адабиётлар, янги дарслик ва қўлланмалар етишмайди.

— Аҳолининг демократик жамият бўш жойдан «ўсиб» чиқмайди. Уни қарор топтириш учун, даставвал, мустақам ҳуқуқий пойдевор яратиши даркор. Бу борда залворли қадамлар ташланди. Мамлакатимизда демократик конституция амал қилмоқда. Конституция эса ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолатидир. Шунинг ўзи давлат, жамият ҳамда фуқаро муносабатлари тобора уйғунлик касб этаётганидан далолат беради.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ  
суҳбатлашди.



Мингбулоқдаги Алишер Навоий номи ҳўжаликда ҳеч бўлганмисиз? Ҳўжаликда баҳорги экин-текин ишларига тайёргарлик, техникани таъмирлаш борасида қилинаётган ишларни ўз кўзингиз билан кўрсангизгина энди деҳқонга техника панд бермаслигига амин бўласиз.

Сиз суратларда кўриб турган ҳўжаликнинг уста чилангарлари (чапдан) А. Кўчқоров, С. Жўраев ва Х. Назаровларнинг айтишича, энди деҳқон даласига ҳайдов ё чопиқ трактори излаб соатлаб вақт йўқотмайди.

Нега дерсиз? Чунки ҳўжаликда техникалар мавсумга тайёр қилиб кўйилди.

Тўраҳон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Навоий вилоятида

халқ саломатлигини муҳофаза этишини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ кейинги бир йил ичида Навоий, Кони-мех, Хатирчи туманлари марказий шифохоналари тўла таъмирдан чиқарилган. Шифохоналар ҳузурида даволаш бўлимларининг янги бинолари қуриб ишга туширилди. Шунингдек, қишлоқ инфратузилмасига кирувчи 14 та врачлик пункти очилди. Бу йил уларнинг сони яна ўнганга кўпайтирилди.

Яқинда вилоят марказий шифохонасига Германиянинг «СЕМЕНС» фирмасидан замонавий рентген, шунингдек умумий қиймати 2 ярим миллион сўмлик гемодиализ аппарати сотиб олинди.

Парда ЖУМАЕВ,  
Навоий вилояти.

ИШ ЎРНИ КЎПАЙМОҚДА

Бўлимлари ва жамоат ташкилотлари ишлаб чиққан «Бандлик» махсус дастурига мувофиқ, ёшлардан даярли бир юз эллик киши куллар, дурдогорлар, пойабзалчилар, мисгарлар, заргарлар ва бошқа касб усталари

ҳузурида халқ ҳунармандчилиги сирларини ўрганмоқда. Бўлим ходимлари бу йил туман аҳолисидан яна бир ярим мингдан ортиқ кишини ишга жойлаштиришни режалаштирмоқда.

К. НИЗОМОВ,  
ЎЗА мухбири.

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ”: БИРИНЧИ КИТОБ НАШРГА ТАЙЁР

Маълумки, 1996 йил 16 декабрда республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистоннинг янги тарихи”ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Қарорга кўра, яқин тарихимизни акс эттирадиган бу асарда чоризм ва шўро мустамакачилиги даври воқеалари, истиқлолдан сўнг мамлакатимиз эришган жаҳоншумул ютуқлар учун китобга жамланади. Яқинда уларнинг биринчиси илмий кенгаш томонидан тасдиқланиб, нашрга руҳбат этилди.

— “Ўзбекистоннинг янги тарихи”нинг биринчи китоби — “Туркистон чоризм мустамакачилиги даврида” деб номланиб, унга, асосан, ўн саккизинчи асрнинг иккинчи ярми-

дан 1917 йилгача бўлган воқеалар киритилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги “Ўзбекистоннинг янги тарихи” маркази раҳбари, китоб муаллифларидан бири, тарих фанлари доктори Ҳамдам Содиқов. — Унда чоризмнинг Марказий Осиёдаги боқинчилик ҳаракатлари, Чор Россиясининг ўлкани ҳомаш мандабага айлантириш бобидаги сиёсатининг асл муҳияти тарихий ҳужжатлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, китобда мустамакачилик зулмига қарши халқ кўзғолонлари, озолик йўлида олиб борилган бошқа курашлар, юртимизда жаҳидчилик ҳаракатининг юзага келиши ва йўналишлари кенг ўрин

ажратилган. “Ўзбекистоннинг янги тарихи”га киритилган барча воқеаларни ёритишда нафақат мамлакатимиз, балки чет давлатларнинг архивларида сақланаётган ҳужжатлар, маҳаллий муарихлар асарлари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг эслалик ва хотираларидан ҳам кенг фойдаланилди.

Яқунлиги арафасида турган иккинчи китоб “Ўзбекистон шўро мустамакачилиги даврида” деб аталади. Унда 1917 йилдан Ватанимизнинг истиқлолга эришган кунларигача бўлган энг муҳим воқеалар кенг ёритилди.

“Мустақил Ўзбекистон тарихи” номи остида чоп этиладиган учинчи китобда миллий истиқлол йилларида мустақил Ўзбекистон

ҳаётида содир бўлаётган буюқ ўзгаришлар ва жаҳоншумул аҳамиятга эга воқеалар акс эттирилади. Унда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида кун сайин ортиб бораётган нуфузи, сиёсий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш, маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш борасида эришилаётган муваффақиятларга алоҳида ўрин берилди.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи”нинг уччала китоби мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллик байрами арафасида ўқувчилар қўлига етиб боради.

Б.ОСТАНАҚУЛОВ,  
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Навоий вилоятида

халқ саломатлигини муҳофаза этишини янада яхшилаш дастури ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ кейинги бир йил ичида Навоий, Кони-мех, Хатирчи туманлари марказий шифохоналари тўла таъмирдан чиқарилган. Шифохоналар ҳузурида даволаш бўлимларининг янги бинолари қуриб ишга туширилди. Шунингдек, қишлоқ инфратузилмасига кирувчи 14 та врачлик пункти очилди. Бу йил уларнинг сони яна ўнганга кўпайтирилди.

Яқинда вилоят марказий шифохонасига Германиянинг «СЕМЕНС» фирмасидан замонавий рентген, шунингдек умумий қиймати 2 ярим миллион сўмлик гемодиализ аппарати сотиб олинди.

Парда ЖУМАЕВ,  
Навоий вилояти.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ  
АПЗОН  
ЖКТ катогорияларига ташлаб таъсир этадиган восита;  
Кенг спектр, раисистентга ўрин қолмайди;  
Ичкиларнинг нормал ҳолатини бўзмайди;  
ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.  
5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан  
501 сўрмачи аҳамият фарма қилинган

Юнусовд туманида рўйхатдан ўтган «Шаҳодат Бегим» ҳусусий фирмаси тугатилди. Ҳамма даво ва талаблар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ


бошланғич синфлар ўқувчилари учун киши кийимлар (куртка, этик, бош кийим, кўйиқ) ва биринчи синф ўқувчиларини таъминлаш учун ўқув қуроллари (лапка, дафтар, ручка, ўчирғич, қора ва рангли қалам, пластилин, бўёқ ёки фломастер, расм дафтари, рангли қоғоз жамламаси, қаламдон, елим) танловини ўтказлади.

Танловда Енгил саноат, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув», қўшма корхоналар, чет эл фирмалари ва бошқа ташкилотлар ўз маҳсулот намуналари билан қатнашишлари мумкин. Танловда саралаб олинган маҳсулотларни харид қилиш учун шартномалар тузилади. Танловда иштирок этиш учун маҳсулот намуналари эълон қилинган кундан бошлаб 15 КҮН муддат ичида қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 68-75-46, 68-85-42, 67-57-85.


SIEMENS NIXDORF

User



Тадбиркорликка ўткир эҳён

Centered



Тамойилларга сезгирлик

Computing



Мижозга эътибор

Ўзбекистондаги ваколатхонамиз: 700000, Тошкент, А.Толстой кўчаси, 23. Тел.: (371) 136-37-51, 132-03-14, 40-67-50, 40-67-51; факс (3712) 40-64-02.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъинот вазирлиги жамоеси, таъинот қорондиги Маълумоти чекданган жамият шаклидаги «Мезон» аудит фирмаси бош директори Аҳмадбек Жўраёвга отаси <b>Жўрабек ФАРМОНОВ</b> нинг вафот этганини муносабати билан чўқур таяни изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хўйвати Тошкент вилояти ҳудудий коммунал хизмат кўрсатиш бирлигасининг бошлиғи А. Х. Аҳмедовга акаси <b>Фатхулла АХМЕДОВ</b> нинг вафот этганини муносабати билан чўқур таяни изҳор этади.
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоеси агентлик хабар узатиш гуруҳи бошлиғи Нойиба Тулагановага отаси <b>З. ИНОҒОМОВА</b> нинг вафоти муносабати билан чўқур таяни билдиради.	Ўзбекистон телерадиокўрсатмалари республика телевидениесининг жамоеси Мазарий-ахборот дирекциясининг бўлим мудирини А. Хонқонга отаси <b>Қумра ва ҚОДИРОВА</b> нинг вафоти муносабати билан чўқур таяни изҳор қилади.
Тошкент автомобиль йўлар институтини ректорати ва жамоат ташкилотлари «Ҳизма геометрия ва муҳандислик графикаси» кафедраси катта ўқитувчиси М. Жабборовга вафоти муносабати билан чўқур таяни изҳор этади.	Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий навириёти жамоеси навириётнинг етаци илмий муҳаррири Носир Муллоева вафоти билан чўқур таяни изҳор қилади.
Абулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтини жамоеси Халваскор гуруҳи кўлаш жамоелари раҳбари кафедрасининг доцентини Олтин Содиқовга раҳбарини <b>Раҳима СОДИҚОВА</b> нинг вафот этганини муносабати билан унинг оила аъзоларига чўқур таяни изҳор қилади.	Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтини жамоеси «Умумий фанлар» кафедраси мудирини Э. Р. Хабидуллаевага акаси <b>Ўткир МҮМИНОВ</b> нинг бовақт вафоти тўғрисида чўқур таяни билдиради.

ХОТИРА

БОДОМ БАРГЛАРИДА ТИТРАГАН ШАБНАМ

Шеърят оламида ижоди баҳор гулла-ридек жозибали, умри гул умридек қисқа шoirлар ҳам борки, улардан авлодлар учун мерос бўлиб фақат шеърлари қолади, холос. Тошпўлат Ҳамид мана шундай жозибали шеърӣ асарлар ёзиб, авлодлар маънавий хазинасини бойитиш учун яшаган шoir эди.

Унинг лирикасида «Ватан» мавзуси етакчи ўрин тутади. Шoir «Тилла дарвоза» достонида Ватан ва ватандошларини куйидагича таърифлайди:

Ватандошим, орзу одами, Ишқингиз бор кўнгли қаттида. Илгит ёшим бу ширин дами Мунаввар эл муҳаббатидан.

Шoirнинг ватандоши — орзулар кўнига га ошқ бўлган одам. Шoir «орзу одами» га гарф қилади. Шунинг учун ҳам ватандош ишқингиз кўнгли қаттида ўрин олган. Лирик қаҳрамоннинг навқирон ва ширин йигитлик давлори барикенг «мунаввар» элнинг муҳаббати туйғулдири.

У ўзининг табиат мавзусида ёзган шеърларида юксак ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини тeрон бадий чизгиларда ифодалайди. Улкамининг ҳар бир гийҳидан тортиб ҳар бир чинорларига, ирмоқларидан тортиб жўшқин дарёларига — бариди она-Ватан тимсолини кўради. Шoir бадий тасавуридаги Ватан — бу «нафосдан гул ҳиди келадиган водийлардан», «куртаклар ёқасини чок этиб йиртиб» новдаларни оппоқ дурга ўраган ўрик гулларининг ажиб нафосатидан, оламга кўклар тароватини бахш этган «сулув бойчечак»нинг нафосатидан бошланади. Унинг учун Ватан — бу майсалар узра ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг яшнаб турган сўлим бир дийр.

Қаердадир сайраб чугурчик, Дала гўё ёнар, жимирлар, Уқариқда малла бир чумқуқ, Сувга қанот қоқиб типирлар. Қақиллайди шийпон томонда, Томоқ қоқиб товуқ галаси, Кушлар учмас мовий осмонда, Ловиллайди кўк алангаси.

Шoir ўз элини олов юраклиги, чўл меҳнати азобларидан чўчимаганлиги учун севади.

Тоғлик юрда униб-ўсганга, Тоғдан гўзал жой йўқдир, майли. Ой кўринар Қизилқум менга Олов юраклиги туйғайли.

Шoir ҳоқ. Инсон қаерда бўлишидан қатий назор, киндик қони тўкилган, униб-ўсган жойни «Ватан», — дея ардоқлайди. Ҳоқ тоғ бўлсин, хоқ сўлим водий, хоқ гийҳсиз саҳройи кабир — бунинг аҳамияти йўқ.

Истеъдодли ижодкор кишиларнинг тили учиде турган фикрларни бадий сўз воситасида ифода этиб бера олганлиги билан кўпчилик назорига тушади. Тошпўлат Ҳамид ҳам ана шундай эл дилига яқинлардан бири эди. Унинг шеърларини ўқиганда шoir айтмоқчи бўлган фикр кўнглингизга яқинлигини беихтиёр ҳис этасиз.

У Ватан мавзусида шеърининг кўпгина жанрларида асарлар яратди. Шoir ўз кўшиқларида мўъжаз бир қишлоқдан озим шаҳар Самарқанду Бухорогача завқ билан куйлади. Шoir осмони мусофиро, эли меҳнатқаш Ўзбекистонни бахт ва баҳор ўлкаси, деб севади. Чўлдоги кум зарраларини кўзига суртиб, тўлқинланиб кўшиқ куйлайди:

Не бондан кўшиқни севдинг, Нима учун қалбингда баҳор? Сабабини айтиб бер, — дединг, Мана айтай, унутма зинҳор: Кўлимга соз тутқазди ўлкам, Кўшиқ бўлди ҳамроҳ бир умр. Кўшиқ билан Ватанни кўркам, Кўшиқ айтиб қиламан ҳузур.

У шундай гўзал дийрда турилгани учун ниҳоят бахтиёр эди. Она Ўзбекистонга фарзандлик бахтидан сармост бўлиб кўшиқлар куйлади. Меҳрибон ватандошларига эса ўндан ортқ шеърӣ китобларини мерос қолдирди.

М. ФАРМОНОВА, О. ҚАЮМОВ.

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ



СУРАТДА: Словакия меъморчилигининг ноёб обидаларидан бири.

**БМТ БОШ КОТИБИ МАСЛАХАТЛАШМОҚДА**  
БМТ Бош котиби Кофи Аннан Хавфсизлик Кенгашига аъзо мамлакатлар вакиллари билан Ироқ муаммосини ҳал қилиш юзасидан маслаҳатлашмоқда. Маълумки, Бош котиб вужудга келган тангликни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори. К. Аннан маслаҳатлашувлар натижасига қараб Боғдогга сафар қилади.

**НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ**  
Буюк Британия парламенти биноси ёнида Ироққа нисбатан ҳарбий куч ишлатилишига қарши намоийш бўлиб ўтди. Жамоатчилик палатаси аъзоси Тони Бенн эса ўз ҳамкасбларини парламент мажлисида урушга қарши овоз беришга даъват этди.

Мамлакат мудофаа вазири Жорж Робертсон эса Ироққа қарши ҳарбий куч ишлатишда ўз давлатининг АҚШ билан ҳамкорлик қилишига тайёр эканлигини тасдиқлади.

**ПРЕЗИДЕНТНИНГ ЙИЛЛИК МАЪРУЗАСИ**  
Россия Президенти Борис Ёлцин Федерал Кенгаш ва Давлат думаси депутатлари олдида йиллик маъруза билан чиқди. Президент маърузасини турли сиёсий оқимлар турлича баҳоламоқда. Маърузада Россия чуқур ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиб, тараққиётга эътиборини қўйиб, деган гоя асосий ўринни эгаллади.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.



БМТда ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ТУЗИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмасида янги бўлим — БМТнинг қуролсизлантириш масалалари бўйича департаменти ташкил этилди.

Ушбу департамент БМТнинг қуролсизлантириш масалалари бўйича маркази негизда ташкил топди, фаолиятининг асосий йўналиши ядровий қуролсизлантириш ва қуролсизлантириш назоратининг умумий масалаларидан иборат.

Янги тузилган департамент раҳбари этиб айна вақтда БМТ Бош котибининг қуролсизлантириш масалалари бўйича муровини Жайанта Дханапала тайинланди.

Ж. Дханапаланинг мутахассислиги — дипломат. Узоқ йиллар Шри-Ланка Ташқи ишлар вазирлигида, мамлакатнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ишлаган. Уч йил Шри-Ланканинг АҚШдаги элчиси бўлган. БМТнинг Женевадаги бўлимида ўз мамлакатининг вакили бўлиб ишлаган. БМТнинг қуролсизлантириш тадқиқотлар институтига раҳбарлик қилган, қуролсизлантириш масалалари бўйича Канберра гуруҳи аъзоси бўлган. 1995 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома (ЯКТС)ни кўриб чиқиш ва унинг муддатини узайтириш бўйича конференцияга раислик қилганидан кейин халқаро доираларда катта обрў қозонди.

Ж. Дханапала ўтган йил сентябрь ойида «Марказий Осиё» ядро қуролидан холи ҳудуд» халқаро конференцияси ишида иштирок этди. Тошкент анжуманида у Монтерия халқаро тадқиқотлар институтининг ядро қуролини тарқатмаслик муаммоларини ўрганиш марказининг халқаро эксперти сифатида қатнашган эди.

— 1995 йилда Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани кўриб чиқиш ва унинг муддатини узайтириш бўйича ўтказилган конференция жаҳон ҳамжамияти ҳаётида нафақат ушбу шартноманинг муддатсиз узайтирилиши тўғрисида қарор қабул қилгани билан муҳим воқеа бўлган эди, — таъкидлагани ўшанда жанаб Дханапала «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда. — Муҳими шундаки, конференциянинг кўлаб тавсиялари, ҳусусан янги ядро хавфсизлиги ҳудудларининг ташкил этилиши муваффақиятли амалга ошмоқда. Ушбу соҳада салобатли ўсиш кузатиляпти, бунинг далили сифатида сўнги йилларда Жанубий-Шарқий Осиё ва Африкада ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида

имзоланган Бангкок битимини ва Пелиндаба шартномасини айтиб ўтиш қийин. Марказий Осиёда ҳам айнан шундай ҳудудни барпо этиш ташаббуси, бўлиб ўтган Тошкент конференцияси сайёрамизда юқори даражадаги ядро хавфсизлиги таъминланган ҳудудни кенгайтириш имконини берувчи янги «Осиё» қадами бўлди.

Маълумки, ўтган йилнинг охирида БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида қабул қилинган махсус резолюцияда халқаро ҳамжамиятни Марказий Осиё ташаббусини кўлаб-қувватлашга, ушбу минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасида имзоланган бўлажак шартноманинг шакллари ва элементларини ишлаб чиқишга кумаклашишга қачирган эди. Шубҳа йўқки, БМТнинг қуролсизлантириш масалалари бўйича тузилган янги департаменти, унинг раҳбарининг таърибаси ва обрўси Марказий Осиёда ядро хавфсизлиги таъминланган ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланишини ва унинг амалда қўлланишини тешлаштиришга имкон беради.

Ҳурмат БОБОЖОНОВ, Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА мухбирлари.

«ХОЛОД» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МУҲАНДИСЛИК МАРКАЗИ, ХАЛҚАРО «ХОЛОД» ИНСТИТУТИ (ПАРИЖ) ВА ЧКД ХОЦЕНЬ (ЧЕХИЯ)

ФИРМАСИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА ОЛИБ БОРИЛГАН ИЛМИЙ ВА ТИЖОРАТ ТАҲЛИЛЛАРИ НАТИЖАСИДА КУЙИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ОЛИБ БОРАДИ:

- 1. Чехияда ишлаб чиқаришга 50 га яқин музлатгич ускуналарни келишишган нарҳларда кредит ёни шартномалар тузиш орқали тақлим этилади.
- 2. Музлатгич ускуналарнинг маъмуриятини тайёрлашда ва уларни аттестациядан ўтказилади.
- 3. Сунъий музлатиш бўйича 10 та йўналишда, халқаро соҳутиш аймақларига қатнашиш учун мутахассисларни тайёрлайди.
- 4. Мөтаваккилларнинг барча хизматларини, шунингдек, илгиз тушириш ва ўндан фойдаланиш бўйича маслаҳатларни кўрсатади.

АГАР СИЗ МУЗЛАТИШ МАШИНАЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛМОҚЧИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНМОҚЧИ, ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ УЗОҚ МУДДАТДА САҚЛАБ ҚОЛМОҚЧИ, МУЗЛАТИШ ХУЖАЛИГИ БУЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАМОҚЧИ БУЛСАНГИ ИНТЕР-ХОЛОД (ТОШКЕНТ-ПАРИЖ) ШИРКАТИМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700144, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси, 374. Телефонлар: (3712) 64-23-20, 64-24-09, 64-16-98. Факс: (3712) 64-23-20.

Амир Темур АЖ маъмурияти

(4-таксопарк) «Доган» ва «Нексия» автомашиналарида ишлаш учун камда уч йил меҳнат стажига эга бўлган такси ҳайдовчиларини ишга тақлиф этади.

Бизнинг манзил: Феруза-2 мавзеси (Север-Восток). Тролейбус - 18, 9 «Таксопарк» бекати. Телефонлар: 63-38-80, 63-38-77.

СПОРТ ХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ШАХМАТЧИНИНГ ГАЛАБАСИ

Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида мукофоти 300 минг АҚШ доллари бўлган халқаро «Goodricke International Open» шахмат турнири ниҳоятда тўди.

Ўзбекистонлик гроссмейстер Александр Ненашев 8 очко тўплаб мусобақа гояли бўлди. У асосий рақиб аниқлик Найджеел Шортага нисбатан 0,5 очко кўп бал тўплайди. Англиялик шахматчи мусобақа натижасига кўра иккинчи ўринни эгаллади.

Ушга хос максадага эга бўлган мусобақада шунингдек, Ҳиндистон, Германия, Эстония, Россия, Болгария, Филиппин ва вьетнамлик етакчи гроссмейстерлар иштирок эттиди.

Асло АҚБАРОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Дехли.

ФРИСТАЙЛЧИЛАРНИНГ МУРОСАСИЗ КУРАШИ

Японияда бир неча кундан буйи давом этаётган жаҳон қишқ олимпиадаси шу кунга келиб энг қизғин паллага кирди. Дунёнинг энг даврқин ва чаққон спортчилари ўз уқувларига қараб турли медалларни ўзаро тақсимлаб олмақдалар.

Яқинда ҳамюртимиз Линахоним Чирязова олимпиада фристайлчилари мусобақасида ўзини синиб кўрди. Умумий натижага кўра у 24 моҳир спортчи ўртасида 13-ўринни эгаллади. Бахтга қарши Линахоним мусобақанинг финал босқичига кўтарилма олмади. Ундан олдинги 12 ўринни банд этган фристайлчилар энди медаллар учун кураш олиб боришади.

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ НАВБАТДАГИ БОСКИЧДА

Пойтахтимиздаги «Юнусовид» теннис мажмуида 3 кун давом этган йирик мусобақада ўзбекистонлик маҳорат теннисчилар хитойликларни ҳеч бир қийинчиликсиз мағлубиятга учратди. Деви кубоги учун ўтказилган ушбу мусобақада ҳамюртларимиздан Олег Осоровов, Вадим Куценко, Дмитрий Томашевичлар катта маҳорат кўрсатишди.

Энди теннисчиларимиз март ойида Сеулда Жанубий Корея ракетка усталарига қарши майдонга чиқшади. Борди-ю, ўнда ҳам галаба қилишса Деви кубоқининг тақдирини ҳал қиладиганлар орасида яна курашнинг давом эттириладилар. Ундан наъри жаҳон лигаси ҳисобланади. Хуллас, бу йўлда йиғиларимизга амал тилаб қоламиз.

«Халқ сўзи» мухбири Нормурод МУСОМОВ тайёрлади.

Мустақиллик инъом этган муборак неъматлардан бири юртимиз фуқаролари эмин-эркин Ҳаж сафарига бориб, мусулмончиликнинг бешинчи арконики бақаришларига имкониятлар яратилгани бўлди, десак муболага қилмаган бўламиз. Собик иттифоқ даврида нари борса 10-15 киши бундай бахтга мушарраф бўларди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг эса йўлбошимизнинг инояти билан муборак Каъба — байтуллоҳ сари эшиклар ланг очиб қўйилди. Ҳар йили минглаб ўзбекистонликлар Ислмо оламининг муқаддас сажадгоҳи, Макка-ю муқаррамага, Мадинаи-мушаррафага бориб қайтишапти. Фаргона мусулмонлари диний идораси раҳбари Умархожи Турдиевнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида биргина Фаргона вилоятидан беш миңдан зиёд мўмин-мусулмон Ҳаж сафарига бориб қайтдилар.

Халқимиз орасида бу борада яратилётган шарт-шароитларни эътиборга, миннатдорчилик билдираётганлар ниҳоятда кўп. Лекин айрим кимсалар муқаддас Ҳаж сафаридан ҳам шақсий манфаат йўлида фойдаланмоқчи бўлишапти. Яқинда Боғдог тумани прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари туманда Ҳажта борувчиларни лаққиллатиб, пешона тери эвазига топган пулларини кўкка совормоқчи бўлган айрим кимсаларнинг қилмишларини фош этишди. Туман прокурори, ақлия маслаҳатчиси Ҳайдарали Баннонов билан суҳбатимизда халқимиз табиатига, маънавиятига зид бўлган шу воқеанинг келиб чиқиши, нидизлари ҳақида бўлди.

Истиқлол туйғайли юртимизда маънавий уйғонинг рўй бериб, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак Ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги» қарорини фуқароларимиз, мусулмон ақли мамнуният билан қабул олдилар. Навбатдаги Ҳаж сафарига қизгин

тайёргарлик кўриляётган пайтда туманимизда фуқароларни адалб юрган айрим фирибгарларнинг қилмишлари элга ошқора этилгани айни мудабо бўлди.

Туманимизнинг Ултарма қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қўштегинроқ қишлоқда яшовчи Аъзамхон Махсумов ўзини «Эшонлар» авлодиданман, деб таъкидлашни хуш кўради. Доим дастарларнинг турида ўтирган Аъзамхон эшоннинг бугун юзи шувут, уйламай босган қадами билан йиллаб топган обрўси поймол бўлди.

Маълумки, муборак Ҳаж са-

дан хурсанд бўлган Аъзамхон ва Абдулаттог ҳожилар 1997 йил Ҳаж сафарига тайёргарликни бир йил олдин 1996 йилнинг қуздан бошлаб юборишди. Абдулаттог ҳожи Боғдог ва Қўқон шаҳарларига қатнаб сафарга борувчиларини топши, ташвиқот қилиш ишларини қизитиб юборди. Ҳажта боришини истаганлар Аъзамхон Эшонга учрайверсинлар, деб овоза қилди. Шундай қилиб, Аъзамхоннинг хонадонини Жалолободдаги «Фирман» филиалига айланди. 1996 йилнинг октябрдан 1997 йилнинг март ойигача 57 нафар фуқаро фирибгарларнинг тузоғини

жатлари учун дейилган пуллар юқоридаги ҳисобга киритилгани йўқ.

Қаллоблар дастлаб Ҳажта борувчиларга автобуслар Боғдог тумани марказида кўтиб туради дейишганди. Кейинчалик эса Туркменистоннинг Чорхуй шаҳригача поезда боришларини, у ердан эса автобуста чиқишларини айтишди. Ҳажта борувчилар Чорхуй шаҳрида, темирйўл шоҳ бекатида 2-3 кун автобус куттишди. Ва ниҳоят, улар Туркменистоннинг Ортик деган чегара шаҳрига олиб келинади. Шу ерда Ўзбекистон фуқароларидан 22 тасига Тожикистон Республикасининг қалбаки паспорти, яна шунча кишига Киргизистон Республикасининг қалбаки паспорти берилади. Қолганларга «ҳужжат» етмай қолади. Сохта ҳужжат олганларнинг башараси хушёр чегарачилар нигоҳидан четда қолмади. Уларнинг паспортлари қалбаки эканлиги фош этилди. Шундагина уларнинг кузлари мошлек очилди, алданганликларини англаб етишди. Улар минг бир азоб билан йўловчи транспортларда уйларига қайтиб келдилар. Алданган фуқаролар Аъзамхон Махсумовдан топширган пулларини қайтариб беришнинг талаб қилинганда уларни тинчлантириш мақсадида 200-300 доллардан пулларини қайтиб бериди. Қолганини эса жалоободлик ҳамтовоқлари қайтиб келган, беришни ваъда қилади.

Ўзбекистонлик фуқароларнинг мол-мулкларини, пешона тери эвазига топган пулларни маъмурий органларнинг аралашувида сўнгига эгаларига қайтариладиган бўлади. Аъзамхон Махсумов қилмишига яраша ҳақсизини олди. У айни куларда жазо муддатини уятаяпти. Лекин фирибгарнинг найрангига учгани, қонуниларни билмаган ё менсиманган шахсларнинг ҳам юзлари шувут бўлди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

АЛДАНГАН «ҲОЖИ»ЛАР

Фаргона вилоятида Ҳаж сафарига борувчиларни лаққиллатиб юрган фирибгарлар фош этилди.

фарига борувчиларга «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, ўзини-ўзи бошқарув органлари, расий махсизлар тавсиялар беришади.

Аъзамхон эшон баъзи сабабларга кўра Ҳажта бора олмаганларнинг қуйнига аста-секин қўл сола бошлади. Уларга Киргизистон Республикасининг Жалолобод шаҳрида яшовчи дусте, аслида ҳамтовоғи Абдулаттог ҳожи ёрдамида Ҳажта боришига ёрдам беришини айтди. Аъзамхон Ўзбекистон фуқароси деган қалбаки ҳужжатлар билан таъминланди. 1995 йилда бир гуруҳ зиёратчилар автобусда минг машаққатлар билан Ҳаж сафарига бориб келишди. Бунинг кўпчилиги пайқамай қолди.

Кингир ишлари хамирдан қил сугуртандек осон битгани-

илинди. Булар асосан Фаргона вилоятининг Боғдог, Бувайда, Учқуриқ туманлари ва Қўқон шаҳрида яшовчи мўмин-мусулмонлар эди. Уларнинг ҳар бири Аъзамхоннинг рўйхатидан ўтган, Жалолобод шаҳрига бориб, Абдулаттог ҳожига йўл харажатлари учун 750 АҚШ доллари тўлаб келишди. Қисқа муддат ичида фирибгарлар 38 минг 150 АҚШ доллари ва 505 минг сўм тўплайди. Пули йўқлардан қимматбаҳо зеби-зийнатлар, олтин тақинчоқларини ҳам олавертишди. Айрим сафарга бориш истагиде юрганга эса фирибгарларга ишонмай исм-шарифларини яширдан ҳолда пул йиғиб беришди. Шунинг учун ҳам тергов жараёнида 15500 АҚШ доллари топширган 22 кишининг исми-шарифи, насл-насабининг аниқлашнинг имкони бўлмади. Шунингдек, Аъзамхон эшоннинг рўйхатига тушганлар берган майда ва йўл ҳара-

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОМОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Духқ ва қончилик 136-07-94; Иқтисодийет 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги 136-37-85; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рунхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г — 0984, 41579 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Руслан АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев. Навбатчи — Ф. Шермухаммад. Мусоҳах — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нарийёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топширилади: 22.20 1 2 3 4 5 6